

Хўжалик юритувчи ташкилотларга маиший чикиндиларни тўплаш ҳамда олиб чикиб кетиш хизматлари кўрсатиш бўйича 1/2022 - сонли Шартнома

684/7

Андижон шаҳри.

« 5 » Январ 2022 йил

Биз, қуйида имзо чекувчилар, Андижон шаҳар «ВЮ ТЕХ ЕКО» МЧЖ номидан Низом асосида иш олиб борувчи, директор (қуйида «Ижрочи» деб юритилади) С. Омониллаев ва низом асосида иш юритувчи Анжирсон Давлат Университети ниги Педагогика институти (Истеъмолчи номи) Б.М. Раевлов (Фамилия исми шарифи)

(қуйида «Истеъмолчи» деб юритилади) қуйидагилар юзасидан ушбу шартномани имзоладик:

1. Шартнома предмети

- 1.1. Мазкур шартнома каттик ва суюқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чикиб кетиш хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.
- 1.2. «Истеъмолчи» кўрсатилган хизматлар учун тўловларни «Ижрочи» га ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлашга мажбур.
- 1.3. Томонлар каттик ва суюқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чикиб кетиш хизматлари кўрсатишга оид ушбу шартнома шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрельдаги «Чикиндилар тўғрисида» ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 787-сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 февралдаги 95-сонли Қарори билан «Чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга-ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги Қондалари» (кейинчалик матнда – «Қондалар» деб юритилади) га риоя қилишни ўз зиммаларига оладилар.

2. Кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби

- 2.1. Юридик шахслар каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар қийматининг 100 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдидан тўловни, кўрсатилган хизматларнинг тўлиқ ҳисоб-китобини эса — календарь ой тугагандан кейин 30 кун давомида амалга ошириши шарт. Қуйидаги чикиндилар олиб чикиб кетиш хизмат кўрсатувчи ташкилотлар алоҳида шартнома асосида келишилган нарх эвазига амалга оширилади:
- 2.2. Каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун тўловни ҳисоблаш тегишли даврларда амалда бўлган тарифлар бўйича амалга оширилади. Мазкур тарифлар ўзгарган тақдирда, тўловлар амалдаги янги тариф бўйича амалга оширилади. Агар шартномада ўзгартиришлар киритилиши керак бўлганда бир томонлама киритилиб борилади.
- 2.3. Кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолаш натижаларига кўра Истеъмолчи, Ижрочининг вакили, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакили томонидан имзоланадиган, хизматлар кўрсатилмаганлигини, тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганини тасдиқловчи факт бўйича далолатнома тузилади. Хизматлар кўрсатилмаганлиги, тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилгани тўғрисида тузилган далолатнома каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловлар миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш, шунингдек ўз мажбуриятларини бузгани сабабли Ижрочининг жарима тўлаши учун асос ҳисобланади. Ижрочи томонидан Истеъмолчининг ҳаёти, саломатлиги ва мулкига зиён етказилган ҳолатларда етказилган зарар факти қайд этилган далолатнома тузилади, у Ижрочи ва Истеъмолчиларнинг вакиллари томонидан имзоланади. Истеъмолчи, Ижрочининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакиллари томонидан имзоланадиган далолатнома ҳақиқий ҳисобланади. Ижрочи вакили келмаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакилининг имзоси етарли бўлади. Ижрочи вакили далолатномани имзолашдан бош тортса мазкур далолатномага имзо қўйишдан бош тортганлик сабабларини ёзма равишда асослаши шарт. Акс ҳолда, Истеъмолчи каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни суд қарори қабул қилингунгача тўхтатишга ҳақлидир.
- 2.4. Ижрочи Истеъмолчининг чикинди сақлаш контейнердаги каттик маиший чикиндиларини олдидан тўлов асосида олиб чикиб кетиш хизматларини бажаришни ўз зиммасига олади Каттик маиший чикиндини умумий тўпланиши м3 ҳисобида белгиланади.

№	Хизмат тури (Кераклиги тагига чилилади)	(М3)метр куб	Сумма ККС билан	График асосида ҳафта кунларини кўрсатиш	Шартнома суммаси	
					Бир ойда	Бир йилда
1	График асосида					
2	Чакирув (Заявка) асосида	256	35075			2981375 8979200
3	Атрофидаги чикинди контейнерга чиқариш					
4	Рейсбай ҳисобида					
5	Талон асосида					

Саққиз Миалмош Тўққиз 103 етимиш Тўққиз Миалмош ЦККК 103 сўмини ташкил этади.

3. Истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

- 3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари: шартнома асосида, ўзига зарур бўлган, белгиланган сифатдаги, ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлган, мулкига зарар бермайдиган ҳажмдаги хизматлардан фойдаланиш; шартномаларда кўзда тутилган шартлар ва муддатларга мувофиқ каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш хизматларидан фойдаланиш; Ижрочидан каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш хизматларининг ҳажми ва сифати, уларнинг кўрсатилиши шартлари, хизматлар учун тўлов миқдорларининг ўзгаргани ва тўлов тартиби тўғрисидаги ахборотларни олиш; Ижрочи томонидан шартнома мажбуриятлари сифатсиз бағаришдан холларда Ижрочига ёзма шаклда шикоятлар тақдим этиш ва Ижрочидан хизматлар тўлиқ кўрсатилмагани фактини тасдиқловчи далолатномани тузишни, шунингдек аниқланган камчиликларнинг белгиланган муддатларда бартараф этилишини талаб қилиш; хизматлар кўрсатилаётганда Ижрочи айби билан юзага келган камчиликларнинг бепул бартараф этилишини ва шартномада келишилган миқдорларда неустойка (жарима ёки пеня) тўланишини талаб қилиш; шартнома тузилаётганда, каттик ва суюқ маиший чикиндиларни ўз вақтида чиқариб юбориш заруриятидан келиб чиққан ҳолда, санитария меъёрлари ва қондаларида белгиланган сўнги муддатлардан кечиктирмай хизматлар кўрсатиш муддатларини белгилаш; каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш хизматлари сифатсиз амалга оширилса, агар Ижрочи ўз вақтида шартномани бажаришга киришмаса ёки сифатсиз хизмат кўрсатса, зарарлар ундирилишини талаб қилиб судга мурожаат этиш. Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.
- 3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари: каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш хизматлари учун шартнома тузиш ва унинг талабларини бажариш; каттик ва суюқ маиший чикиндиларни, уларни тегишли турларга ажратган ҳолда, бир маротаба ишлатиладиган алоҳида пакетларга дастлабки саралашни амалга ошириш; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги №787-сонли қарорининг 2 боб, 3 боб, 5 боб ва 6 бобларга риоя қилиниши шарт, 2002 йил 5 апрелдаги «Чикинди тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда чикиндилар ҳисобини юритишга, улар тўғрисида ҳисобот тақдим этишга; чикиндиларнинг ҳосил бўлиш нормативлари ва чикиндиларни жойлаштириш лимитлари лойиҳаларини ишлаб чиқишга; чикинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш натижасида фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига, атроф-муҳитга, юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга мажбурдирлар. Каттик маиший чикиндиларни кўчаларга, сув йўлларига, ариқ ва каттик маиший чикиндиларни тўплаш ва кўмиб ташлаш учун ажратилмаган жойларга, шунингдек ҳаракатдаги автотранспорт воситасидан йўлаклар ва кўчаларнинг транспорт юрадиган қисмига ташламаслик; каттик маиший чикиндиларни Ижрочининг махсус автотранспорт воситасига ортиш учун ортиш жойига бемаълот ўтишни таъминлаш; чикинди тўплаш контейнерлари, чикинди тўплаш шохобчалари, чикинди тўловчи камера ва бошқа ускуналарнинг носозликлари аниқланганда бу тўғрида Ижрочини дарҳол хабардор қилиш; Каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, «Ижрочи» кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4% пеня ҳисоблайди, ҳисобланган пеня миқдори қарздорлик суммасининг 50% идан ошмаслиги лозим; Чикиндиларни корхона ҳудудига ва руҳсат этилмаган жойларда кўмиб ташлашга йўл қўймаслик; Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар бўйича ҳам жавоб беради.

4. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Ижрочи шартнома мажбуриятларига риоя қилмагани учун Истеъмолчига нисбатан чоралар қўришга, шунингдек қонунчиликда ёки шартномада белгиланган неустойка (жарима ёки пеня) тўланишини талаб қилишга ҳақли.

Ижрочи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари:

Белгиланган муддатларда қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишни амалга ошириш;
қонунчиликда, мазкур Қондаларда ва шартномада белгиланган шартларга мувофиқ Истеъмолчига зарур сифатдаги қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш;

қонунчиликда ёки шартномада белгиланган муддатларда Истеъмолчининг буюртманомаларини бажариш;

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун электрон тўлов тизимини татбиқ этиш ва реал вақт режимида шахсий ҳисобварақаларининг ҳолатини кузатиб бориш;

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг амалга ошириладиган режими ва сифати бўйича Истеъмолчиларнинг муурожаатлари (аризалари, таклифлари, шикоятлари), шунингдек уларнинг ижроси ҳисобини олиб бориш;

аҳолининг тўлиқ камраб олинишини таъминловчи ва қонунчилик талабларига мувофиқ, зарур миқдордаги чиқинди тўплаш шохобчалари қурилишини амалга ошириш;

чиқинди тўплаш шохобчалари ва контейнерларининг ҳолатини назорат қилиб бориш, уларнинг тегишли ҳолатда бўлишини таъминлаш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш учун контейнерларнинг зарур миқдорда бўлишини таъминлаш;

аҳолининг ҳаёти, саломатлиги, шунингдек атроф муҳит учун хавfli бўлган бактерияларнинг ва бошқа зарарли моддаларнинг ривожланишига, чиқиндиларнинг қўллаб тўплашиб қолишига қарши режалар ишларни олиб бориш (контейнерлар ва ахлат тўплаш шохобчаларини дезинфекциялаш ёки ювиб туриш йўли билан);

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби ва тарифларининг ўзгаргани тўғрисида ушбу тарифлар қонуний кучга киришидан 15 кун аввал Истеъмолчининг абонентлик пунктларида эълонлар осиш йўли билан, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали Истеъмолчига маълум қилиш;

Истеъмолчига кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича камчиликларга йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш чораларини қўллаш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб кетиш хизматлари учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул тақдим этиш.

Маиший чиқиндиларни олиб кетиш хизматлари учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул тақдим этиш;

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Истеъмолчининг жавобгарлиги:

шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик;

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш;

хонадонда ёки хусусий уй-жойда истикомат қилувчиларнинг ҳақиқий сони ҳақидаги ҳаққоний маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш;

шартнома шартларида кўзда тутилган қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни махсус ажратилган жойларда тўплаш тартибининг бузилиши.

5.2. Ижрочининг жавобгарлиги:

Шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик;

қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар муддатининг ва мазкур хизматлар кўрсатилаётганда аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатларининг бузилиши;

Хизматлар кўрсатиш ва камчиликларни бартараф этиш муддатларининг бузилганлиги учун жариманинг ўз вақтида тўланмаганлиги;

Ўз фойдаланишида бўлган қўриқланувчи ва қўриқланмайдиган контейнерли чиқинди тўплаш шохобчаларининг техник ҳолати;

хизмат кўрсатмаслик ёки сифатсиз кўрсатилган хизматлар натижасида Истеъмолчининг ҳаёти, саломатлиги ва мулкига етказилган зарар.

6. Форс-мажор

6.1. Шартнома имзолангач, томонлар ушбу шартнома юзасидан мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинишлари ҳам мумкин. Бунда, томонлар олдиндан билишлари ёки олдини олишлари мумкин бўлмаган фавқулодда ҳодисалар туфайли юзга келган енгилмас кучлар сабаб бўлиши мумкин. Қўчки, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар, минтақадаги ҳарбий хатти-ҳаракат ва иш ташлашлар бундай сабаблар сирасига кириб, томонлар мажбуриятларини бажармасликларига узрли сабаб сифатида эътироф этилади.

7. Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Томонлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

7.2. Шартнома ижроси бўйича юзга келган низолар, талабнома юборилгандан сўнг тарафлар ўртасида ҳал этилмаган тақдирда, низолар амалдаги қонунчиликка асосан Андижон шаҳар иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади ва ҳар бир тарафда бир нусхадан сакланади. Шартнома тарафлар имзоланган пайдан кучга кирилади.

8.1.1. Ушбу шартнома бюджет ташкилотлари учун Газначилик булинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли Қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирилади.

8.2. Шартнома имзоланган кундан 1 йил муддат давомида ҳақиқий ҳисобланади ва тарафларнинг биронтаси шартномани бекор қилиш ҳақида муурожаат қилгунга қадар кейинги муддатга узайтирилган ҳисобланади. «Истеъмолчи» шартнома муддати тугашидан 15 кун аввал «Ижрочи» ни огохлантирган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлиқ тўлаб қўйган бўлиши лозим.

8.3. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар тарафларнинг келишувига асосан ёзма шаклда амалга оширилади.

8.4. Ушбу шартномада ўз инфодасини топмаган бошқа масалаларнинг ҳал қилинишида томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 февралдаги 95-сонли Қарори билан тасдиқланган «Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги Қондалари» га амал қилишади.

9. Томонларнинг юридик манзили ва реқвизитлари

“ИЖРОЧИ”

«БИО ТЕХ ЕКО» МЧЖ

Манзил: Андижон шаҳри, Лермонтов кўчаси 8а уй

Тел: +99895-200-79-79

Кишлоққурилишбанк Андижон шаҳар бўлими

МФО-000 82 СТИР: 307951402

х/р 20 208 000 205 330 724 001

С.Омониллаев

ANDIJON DAVLAT UNIVERSITETINING
PEDAGOGIKA INSTITUTI

Манзил: ANDIJON SHAHAR, DO'STLIK KO'CHA 4-UY

Тел: ШН/В: 400910860034017094100079008

INN: 308561778

X/р: 208.RESP. MOLITA VAZIRLIGI YAGONA G'AZNA HISOBVARAGI

ИНН: 23402000300100001010

Газначилик булинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли Қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирилади.

ЯТХ: 23 402 000 300 100 001 010 112 2 919

Банк номи: Марказий банкнинг

Тошкент шаҳар Бощ бошқармаси МФО:00014

Газначилик булинмасининг ИННси 201 122 919

Б.А. Раевлов
(раҳбар)

Юридик ҳулбса:

Ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Уқалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги Қонун талабларига мувофиқ келади.



"Andijon special eco trans" МЧЖ билан Андижон давлат университетининг Педагогика институтии ўртасидаги 2022 йил 05.01.2022 даги № 01/211-сонли шартномага

И Л О В А № 1

№	2022 йил учун ойлар номи	Бюджет хисобидан			Бюджетдан ташкари хисоб ракамдан			Ж А М И		
		куб	1 м куб нархи	Сумма	куб	1 м куб нархи	Сумма	куба	куба нархи	Сумма
1-чорак		0,00		0,0	256,00		8979200,0	256,0	0,0	8979200,0
1	Январ				85,0	35075,00	2981375	85,0	35075,0	2981375,0
2	Феврал				85,0	35075,00	2981375	85,0	35075,0	2981375,0
3	Март				86,0	35075,00	3016450	86,0	35075,0	3016450,0
2-чорак		0,00		0,00	0,00		0,00	0,0	0,0	0,0
4	Апрел						0	0,0	0,0	0,0
5	Май						0	0,0	0,0	0,0
6	Июнь						0	0,0	0,0	0,0
3-чорак		0,0		0,0	0,0		0,0	0,0	0,0	0,0
7	Июль						0	0,0	0,0	0,0
8	Август						0	0,0	0,0	0,0
9	Сентябр						0	0,0	0,0	0,0
4-чорак		0,00		0,0	0,00		0,0	0,0	0,0	0,0
10	Октябр							0,0	0,0	0,0
11	Ноябр							0,0	0,0	0,0
12	Декабр							0,0	0,0	0,0
ЖАМИ:		0,00	0,00	0,00	256,00	0,00	8979200,00	256,00	0,00	8979200,00

Изох: Бюджет ташкilotи томонидан тозалик хизмати микдори шартномада келишилган микдордан ортиб кетган тақдирда бюджетдан ташкари хисоб ракамдан копланди ҳамда бюджет хисоб раками ва бюджетдан ташкари хисоб ракамлардан амалга оширилатган туловлар учун хар бирига алохида хисоб-фактуралар тақдим қилинади.

"ТАЪМИНОТЧИ"

"ИСТЕЪМОЛЧИ"

"BIO TEX EKO" М.Ч.Ж

Андижон шаҳри Лермонтов кучаси 13 ўй
 Кишлоққурилишбанк Анд шаҳар булими
 Х/Р: 20 208 000 205 330 724 001
 МФО: 00082 СТИР: 307 951 402

ANDIJON DAVLAT UNIVERSITETINING
PEDAGOGIKA INSTITUTI
 ANDIJON SHAHAR, DO'STLIK KO'CHA 4-UY
 ShH/V: 400910860034017094100079008
 INN: 308561776
 O'ZB. RESP. MOLIYA VAZIRLIGI YAGONA G'AZNA HISOBVARAG
 H/R: 23402000300100001010
 TOSHKENT SH. HKKM MARKAZIY BANK BOSH BOSHQARMAS
 MFO: 00014 STIR: 201122919



С. Омонилаев



Директор

Б.М.Расулов